Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 140 (21. 007) 1991 йил 23 июль, сешанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

Воқеалар, хабарлар, шарҳлар

● Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, газ ва ичимлик сув билан таъминлаш — бош масала. (1-бет).

● «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида» Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни. Қонун бугундан бошлаб кучга киради. (2-бет).

● Тадбиркорлик билан иш тутилса жаҳон бозорига чиқиш йўли очилади. (3-бет).

● Мақсад — ўзаро мулоқот, тотувлик ва ҳамкорлик. «Буюк ипак йўли» шунга чорлайди. (4-бет).

«Совет Ўзбекистони», ТАСС, ЎзТАГ ва рўзномамиз жамоатчи мухбирлари хабар берадилар

Республикамизда

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

22 июль куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди, унда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг республика ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни Ўзбекистон ССР ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги таклифи муҳокама қилинди.

Иқтисодий танглик кучайиб бораётган ва хўжалик алоқалари узилиб қолган шароитда кўпгина Иттифоқ вазирликлари ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришни ва меҳнат жамоаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлашга қодир бўлмай қолди. Бир қанча тармоқларда ишловчилар сонининг камайиши, истеъмол бозорида маҳсулотлар тақчиллиги янада кучайиши, бошқа салбий оқибатлар хавфи пайдо бўлди.

Ана шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Мустақиллиги тўғрисидаги декларацияга мувофиқ Олий Кенгаш Раёсати мазкур масала юзасидан қарор қабул қилди. Олий Кенгашнинг тегишли комитетларига Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда амалдаги қонунларни ўзгартиш тўғрисидаги таклифларни республика қонун чиқарувчи олий органининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқишга тақдим этиш топширилди.

Раёсат Ўзбекистон ССР Мустақиллиги қоидаларига асосланиб ва «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонунга амал қилиб «1991 йилги Иттифоқ бюджети тўғрисида»ги СССР Қонуни 8-моддасининг корхоналар истеъмол фондини оширишни чеклаш қисмининг Ўзбекистон ССР ҳудудида амал қилишини тўхтатди. Бундан буён республика ҳудудида корхоналар меҳнат ҳақи фонди «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги Қонунинг 19-моддасига мувофиқ вужудга келтирилади.

Раёсат мажлисида Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов иштирок этди.

«Учрашувлар» давом этмоқда

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига биноан тузилган ҳамда Марказий Комитет билан Тошкент вилоят партия комитетининг Ижтимоий-сиёсий марказида ишлаб турган «Учрашувлар» клубининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисни клуб раҳбари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов бошқарди.

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги муаммолари, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари ҳақида гапирди. Шундан кейин у йиғилган кишиларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Машғулотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюро аъзолари, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосарлари, Тошкент вилоят ва шаҳар партия комитетлари бюро аъзолари иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ж. Ғ. ЙЎЛДОШЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Жўра Ғаниевич Йўлдошев Ўзбекистон ССР халқ таълими вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1991 йил 22 июль.

АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА КОММУНИСТЛАР ҒАМХЎР ВА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛСИН

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида 20 июль куни Марказий Комитет жумҳурият аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ташкил этиш масалалари комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Жиззах вилояти, Жиззах шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларининг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир меъёрда таъминлашга доир ишларидаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Жумҳурият ҳукумати қарорини рўёбга чиқаришда ижроия комитетлари, бунга дахлдор бошқа ташкилотлар фаолиятида мазкур масала юзасидан бир қанча камчиликлар ва етишмовчиликлар борлиги таъкидланди.

Жиззах шаҳрининг текширишдан ўтказилган кўпгина дўконларида уларга бириктирилган кишиларнинг рўйхати йўқ, фуқароларнинг мавжуд ҳисоб дафтарчалари шаҳар ижроия комитетида, уй-жойлардан фойдаланиш идораларида ёки маҳалла комитетларида тасдиқланмаган. Бу эса бириктириб қўйилган кишиларни рўйхатга олишда ҳамда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ҳисобга олишда англашилмовчиликлар келтириб чиқаради. Ип газламаларни сотиш борасидаги ҳисобкитоб ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган, белгиланган меъёрга риоя қилинмайди, бу эса харидорларнинг ҳаққоний норозиликларини келтириб чиқармоқда.

Қайд этилган фактлар шаҳар ижроия комитети раҳбарларининг молларни белгиланган меъёрларга мувофиқ сотишни ташкил этиш масалалари билан ёмон шуғулланаётганликлари натижаси бўлди. Бу ишларни мувофиқлаштириш учун ижроия комитет қарори билан тузилган комиссия фаолият кўрсатмаяпти. Жиззах район ижроия комитети, савдо ташкилотлари ва корхоналари ишида ҳам шундай камчиликлар бор. Вилоят ижроия комитети шаҳар-район ижроия комитетларининг вилоят аҳолисини кундалик эҳтиёж моллари билан ўз вақтида таъминлаш борасидаги ишларини яхши назорат қилмаяпти. Комиссия Жиззах вилоят ижроия комитети раҳбарларига шу йилнинг 1 августигача бўлган муддатда бу муҳим ишда зарур тартиб ўрнатишни топширди.

Комиссия мажлисида жумҳурият Автомобиль транспорти вазирлиги раҳбариятининг ўзига тегишли ташкилотлар ва корхоналар раҳбарларининг жумҳурият ташқарисига озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмоли молларини ғайриқонуний ташиб кетилишига йўл қўймаслик юзасидан масъулиятини оширишга доир олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди.

Вазирлик раҳбариятига Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала борасидаги қарори бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш тавсия қилинди.

● Президент Фармони қандай бажарилмоқда?

ҲАЛИ БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР КЎП

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида республика Президенти чиқарган Фармонни бажаришни ташкил этиш учун комиссия тузилган эди. Шу комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлди. Газчилар ва сув қувури ўтказувчилар ишининг ярим йиллик якунлари кўриб чиқилди, Иккинчи ярим йиллик вазифалари белгилаб олинди. Мажлисда комиссия аъзолари, вазирликлар, идоралар ва вилоят ижроия комитетларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Мажлисни Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошқарди.

Республикада умуман сув қувурлари тармоқларини ишга туширишнинг биринчи ярим йиллик топшириғи ортиғи билан бажарилганлиги таъкидланди. Қишлоқ жойларда 930 километр ўрнига 940 километр сув қувури ишга туширилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 баравар кўпдир.

Деярли барча вазирликлар ва идоралар, шунингдек республикадаги ўн вилоят ижроия комитетлари топшириқни бажардилар. Фақат Қорақалпоғистон билан Фарғона вилояти белгиланган режани уддалай олмади. Фарғонада атиги 1,3 километр сув қувури шохобчалари камроқ қурилган бўлса, Қорақалпоғистонда 319 километр кам қувур ётқизилди. Бундай қолоқликни бартараф этиш қийин, лекин бартараф қилиш зарур. Чунки Президент Фармонини бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

«Аралводстрой» қўшма қурилиш ташкилоти айби билан режанинг бажарилиши барбод бўлди, у, жумладан Туямўйин-Нукус сув қувури каби муҳим иншоотда 326,6 километр сув қувурини кам барпо этди. Бу ерда ажратилган сармоянинг атиги 73 фоизи ўзлаштирилди.

Туямўйин-Урганч ва Советобод-Андижон сув қувури қурилишида ҳам шундай ачинарли аҳвол юз берди. Бу қурилишларда ажратилган сармоянинг 53 ва 72,5 фоизи ўзлаштирилди.

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш тўғрисида гапирганда эса, мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, бу соҳадаги иш қуйидагича. Қишлоқ жойларда биринчи ярим йилликда 1776,6 километр газ тармоқлари қурилди, бу эса режага нисбатан 111 фоиздир. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,4 баравар кўпдир. Газ тармоқларининг деярли ярми хўжаликларнинг қурувчиларни ўз ташаббуси асосида моддий ресурслар билан фаол таъминлаётганлиги туфайли вужудга келди.

Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидагина ярим йиллик топшириқ бажарилмади. Бу ерда жами 127 километр газ тармоқлари ишга туширилмай қолди. Бунга «Узбекгаз» ва республика Давлат сув хўжалиги қурилиши комитети бўлинмалари ва ташкилотлари айбдордир.

Квартираларни газлаштириш иши анча ёмон. Республиканинг деярли барча вилоятларида квартираларни газлаштириш топшириқлари бажарилмади. Бунинг сабаблари газ плиталари, таянч арматуралар ва кичик қувурларнинг йўқлигидир.

Комиссия республика Иқтисодиёт ҳамда давлат-кооператив таъминот комитетига, «Средазгазпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР Уй-жой, коммунал хўжалик вазирлигига маҳаллий шўролар ижроия комитетлари билан биргаликда ишга туширилаётган газ тармоқларини ва газлаштирилаётган квартираларни зарур моддий ресурслар билан таъминлаш чораларини кўришни топширди.

Мажлис ишида Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Т. Я. Шарипов қатнашди.

(ЎзТАГ).

ТАЙЁРЛОВЧИ ВА СОТУВЧИЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Тошкентда мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, асраш ва сотиш билан шуғулланувчи республика кооператив бирлашмаси — «Узкоопзаготторг»нинг таъсис қурултойи бўлди.

Бирлашма Ўзбекистон ССР Президентининг Фармони ва Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тузилган. Мақсад — жамоат хўжаликларида ва якка хўжаликларда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш, асраш, сотиш, шунингдек чорвачилик маҳсулотларини ва иккиламчи ресурсларни тайёрлаш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида республикаларо ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан шуғулланувчи тайёрлов ташкилотларининг фаолиятини яхшилашдан иборат.

Бирлашма олдида турган вазифаларни ҳал этиш йўллари белгиланди. «Узкоопзаготторг»нинг устави ва унинг назорат-тафтиш комиссияси ҳақидаги низом қабул этилди.

Қурултойда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов сўзга чиқдилар.

(ЎзТАГ).

Манфаатдорлик ва самарадорлик йўлида

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришдан кўпроқ манфаатдор бўлишини таъминлаш мақсадида ҳамда саноат маҳсулотлари қимматлашганлигини, қишлоқ хўжалик ходимлари учун компенсация тўлаш жорий этилганлигини ҳисобга олиб, республика жамғармасига етказиб бериладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг энг юқори шартнома нархларини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Давлат нарх комитетининг манфаатдор ташкилотлар билан келишилган таклифига мувофиқ Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг илгари қабул қилган қарори билан тасдиқланган мева-сабзавот маҳсулотлари энг юқори нархлари даражаси 25 фоиздан 100 фоизгача оширилади.

Ўзбекистон ССР Давлат нарх комитетига Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Ўзбекистон Мева-сабзавот ва виночилик саноати концерни ҳамда Ўзбекистон Мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, асраш ва сотиш билан шуғулланувчи кооператив бирлашмаси билан биргаликда саноат йўли билан қайта ишлашга топшириладиган узумнинг техник навлари харид нархларини икки ҳафта муддат ичида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Қабул қилинган қарор жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларининг республика фондига етказиб бераётган маҳсулотини кўпайтиришга, мева-сабзавотчиликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Советининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўриб чиқилди.

С. Мамарасулов Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг раиси этиб сайланганлиги муносабати билан у Тошкент вилоят Совети раиси вазифасидан озод қилинди.

Тошкент вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. Д. Сайдалиев халқ депутатлари Тошкент вилоят Советининг раиси этиб сайланди.

Халқ депутатлари Бекобод шаҳар Советининг раиси, Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Э. М. Рўзиев Тошкент вилоят Совети ижроия комитетининг раиси этиб тайинланди.

Депутатлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотни эшитдилар.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Қаршида вилоят партия ва совет фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари олти ой ичида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаси қандай бажарилаётганини, вилоят халқ хўжалигини янада ривожлантириш йўлларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят кенгашининг раиси Т. П. Хидиров нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Иттифоқимизда

БИЗГА БУТУН ЕВРОПА ЎҚИШГА КЕЛАДИ

● ЛЕНИНГРАД. Европа халқлари дорилфунуни XXI аср мутахассисларини тайёрлашда «ўқув майдони» бўлади. У Ленинград давлат дорилфунуни дарсхоналари ҳамда тажриба ўтказиш хоналаридан фойдаланади. Нева соҳилидаги шаҳарда Европа мамлакатлари олий ўқув юртлари ректорларининг ЮНЕСКО ҳомийлигида бўлиб ўтган анжумани шундай қарор қабул қилди.

АЖОЙИБ ДОЗИМЕТР

● МИНСК. Белорус олимлари кашф этган ўзига хос, ажойиб дозиметр Чернобиль фалокати рўй берган ерларда олинган нурланиш миқдорини доимий назорат қилади. Дозиметрнинг қулайлиги шундаки, уни ёнингизда олиб юрмайсиз, аксинча чўнтагингизда хабар берувчи кичкина ойна бўлади. Метрологик синовлар ўтказиш учун ана шундай асбобларнинг тажриба туркуми тайёрланди.

БИТИМСИЗ ЕРДАМ БЕРИБ БЎЛАДИМИ?

● СИМФЕРОПОЛЬ. Мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда, Қрим далалари, токзорлари ва боғларида пишиб етилаётган ҳосилни йиғиштириб олиш учун 25 минг жуфт қўл керак бўлади. Дарвоқе, бу йилги мавсумда шаҳарликларга ёрдам бериш учун юқорида тузилган рўйхат бўйича бормайдиган бўлдилар. Бундай тадбир биринчи марта амалга оширилмоқда. Шаҳарликлар ўз хоҳишларига кўра жамоа ва давлат хўжаликлари билан битимлар тузишади.

● Тольятти. АвтоВАЗнинг илмий-техника маркази конструкторлари «ЕЛАЗ-1121» машинасининг моделини яратдилар. Машина соатига 140 километр тезликда юра олади.

Н. НИКИТИН олган сурат. (ТАСС).

ҚУЗИҚОРИН ҲАМ ГЎШТ ЎРНИНИ ҚОПЛАЙДИ

● УССУРИЙСК. Приморье аҳолиси эндиликда ўз шаҳар хонадонларидаги айвончаларда ҳам қўзиқорин етиштиришлари мумкин. Приморье қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот илмгоҳининг биотехнология тажриба ўтказиш хонаси улар учун уруғлик етказиб бера бошлади. Унча инжиқ бўлмаган ва серҳосил қўзиқоринлар шампиньонлар билан жиддий рақобат қилмоқда.

(ТАСС мухбирлари хабарларидан).

Хорижда

АНИҚ-РАВШАН ЙЎЛ

● БЕЛГРАД. Словения мудофаа вазирлиги ва бешинчи ҳарбий вилоят (округ) қўмондонлигининг вакиллари ўртасида якшанба куни Люблянада музокаралар бўлиб ўтди. Музокараларда ЮСФР ҳайъатининг Югославия халқ армияси қисмлари ва бўлинмаларини Словения ҳудудидан олиб кетиш ҳақидаги қарорини амалга ошириш нинг аниқ-равшан йўллари муҳокама қилинди.

ЯНА БИР БОР УРИНИШ

● ВАШИНГТОН. АҚШ давлат котиби Жеймс Бейкер Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб «Мокисимон дипломатия»нинг навбатдаги даврасини тугаллаш арафасида якшанба куни Исроил бош вазири Ицхак Шамир билан учрашди. У дунёнинг мана шу қалтис жойидаги аҳволни бартараф этиш юзасидан Вашингтон таклиф этган сулҳ конференциясини ўтказишга Тель-Авивни рози қилишга яна бир бор урониб кўрди.

ФОРС КЎРФАЗИДА КЕМАЛАР ҚАТНОВИ

● ҚОҲИРА. Америка ҳарбий-денгиз кучларининг бўлинмалари Форс кўрфази сувига ўрнатилган миналарни олиб ташлаш юзасидан уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажариб бўлдилар. МЕНА агентлигининг Америка ҳарбий вакили Вирлашган араб амирликларида якшанба куни кечқурун берган баёнотига асосланиб хабар қилишича, Форс кўрфазида кемалар қатнови тўлатўкис тикланди.

ЁНҒИН САБАБИ — ТИЗИМДАГИ НОСОЗЛИКЛАР

● ПАРИЖ. Франциянинг «Клемансо» авианосеци ҳозирги вақтда Тулон шаҳри портида турибди. Якшанба куни тушдан кейин кема ичида кучли ёнғин чиқди. Франс Пресс ахборот бошқармасининг хабар қилишича, ўтга қарши тўрт соат шиддатли курашилганидан кейин табиий офатни жиловлашга муваффақ бўлинди. Бутун мана шу вақт мобайнида кема тепасида қуюқ тутун бурқсиб турди. Ёнғин сабаби чамаси электр тизимидаги носозликлар билан боғлиқ бўлса керак. Хабар қилишларича, ўт ўчирувчилардан тўрт киши газ билан заҳарланиб, касалхонага ётқизилди.

(ТАСС, 22 июль).

● Вашингтон чор атрофидаги Александрия кемалар тўхташ жойи. Бу ерга совет кемалари келди. Суратда: Совет ва Америка кемалари денгизда

Н. ЛУНЕВОЙ олган сурат. (ТАСС).

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА КООПЕРАЦИЯ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун «Ўзбекистон ССРдаги корхоналар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР қонунлари билан бир қаторда кооперация фаолиятининг жамоа мулкчилик шакли сифатидаги ўзига хос жиҳатларини белгилайди.

У юридик ва жисмоний шахсларга кооперативга ихтиёрий равишда кириш ва ундан эркин чиқиш, кооперативни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини кооперативларни мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар билан тенгҳуқуқлилик асосида ривожлантириш, жамоа бўлиб хўжалик юритиш мустақиллигини ҳамда уставда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан қарорлар қабул қилишда кооперативнинг мустақиллигини кафолатлайди.

1-модда. **Кооперация ва унинг турлари**

1. Ўзбекистон ССРда кооперация фуқаролар ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкчиликнинг жамоа шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмалари (кооперативлари) мажмуидан иборатдир.

2. Ўзбекистон ССР кооперацияси системасида фойда олиш мақсадида аҳолининг маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун тузиладиган матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш-матлубот кооперативлари амал қилади.

Кооперация, шунингдек ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативларни (уй-жой қуриш, уй-жой кооперативларини, гараж қуриш, чорбоғ қуриш ва шу каби кооперативларни) ҳам ўз ичига олади.

2-модда. **Кооперация тўғрисидаги қонунлар**

Барча турдаги кооперативлар ва уларнинг хўжалик уюшмаларини тузишнинг, рўйхатга олишнинг, улар фаолиятининг, уларни қайта тузиш ва тугатишнинг ҳуқуқий иқтисодий ва ижтимоий асослари «Ўзбекистон ССРда корхоналар тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон ССРда тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунлари, ушбу Қонун, Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун ҳужжатлари билан, Қорақалпоғистон МССРда эса Қорақалпоғистон МССР қонунлари билан тартибга солинади.

3-модда. **Кооператив — Ўзбекистон ССРдаги кооперациянинг бирламчи бўғини**

1. Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, жамоа мулки ҳуқуқи асосида ўзига қарашли мулкка эгалик қиладиган, ундан фойдаланадиган ва уни тасарруф этадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект кооператив ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш-матлубот кооперативларининг фаолияти ўз аъзоларининг, шунингдек меҳнат шартномалари (контрактлар, битимлар) бўйича ишлаётган кишиларнинг ўз меҳнатлари билан шахсан иштирок этишига асосланади.

Матлубот кооперативлари ҳамда ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативлар фаолияти ўз меҳнати билан шахсан иштирок этиш билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

2. Кооперативлар тармоқ принципи, ҳудудий ва бошқа белгилар бўйича хўжалик уюшмаларига катъий ихтиёрийлик асосида бирлашишлари ва яккаҳокимликка қарши қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боришлари мумкин.

3. Кооператив, Ўзбекистон ССР қонунларида тақиқланганларидан ташқари, фаолиятнинг ҳар қандай тури билан шуғулланишга ҳақлидир. Бунда кооперативлар ва уларнинг хўжалик уюшмалари (шу жумладан барча турдаги аралаш давлат-кооператив уюшмалари) давлат бошқаруви, контроли ва назорати, шунингдек суриштирув, тергов ва одил судлов идораларининг вазифаларини бажаришларига йўл қўйилмайди.

Кооперативлар, кооперативларнинг хўжалик уюшмалари Ўзбекистон ССРнинг, ССР Иттифоқининг амалдаги қонунларига ва Ўзбекистон ССР иштирок этаётган халқаро шартномаларга мувофиқ республика, иттифоқ бозорларида ва халқаро бозорларда хўжалик фаолиятини эркин юритиш ҳуқуқига эгадирлар.

4-модда. **Кооперативнинг мулкдорлари ва мол-мулки**

1. Кооперативнинг мустақил балансида ўз ифодасини топган асосий фондлар ва оборот маблағлар, шунингдек бошқа бойликлар кооператив мулкини ташкил этади.

2. Кооператив мулки ўз аъзоларининг пул ва моддий бадаллари, у ишлаб чиқарган маҳсулот, бу маҳсулотни сотишдан ва кооператив уставида назарда тутилган бошқа фаолиятдан олинган даромад ҳисобига ҳосил бўлади. Кооператив мулкини шакллантиришда, мулкчилик шаклидан қатъи назар, шартнома асосларида пул бадаллари ва моддий бадаллар тўлаш йўли билан давлат корхоналари (ташкилотлари) ва бошқа корхоналар (ташкилотлар), шунингдек ушбу кооперативга аъзо бўлмаган, аммо унда шартнома (контракт, битим) асосида ишлаётган фуқаролар ҳам иштирок этишлари мумкин.

3. Кооператив томонидан ташкил этилаётган корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки, шунингдек қўшган улушларига мувофиқ хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг мол-мулки кооператив мулки ҳисобланади.

Кооперативлардан, бошқа жамоа ва давлат корхоналари ҳамда ташкилотларидан, шунингдек якка тартибдаги корхоналардан иборат таркибдаги хўжалик уюшмаларининг мол-мулки давлат, кооперативлар ва фуқароларнинг умумий мулки ҳисобланади. Таркибига фақат кооперативлар кирган хўжалик уюшмаларининг мол-мулки умумий жамоа мулки ҳуқуқи асосида ана шу кооперативларга қарашли бўлади, башарти, хўжалик уюшмаларининг таъсис ҳужжатларида ва Ўзбекистон ССР қонунларида ўзга ҳол назарда тутилган бўлмаса.

5-модда. **Кооператив тузиш ва унинг Устави**

1. Кооператив фуқаролар истаги билан ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан мутлақо ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Кооператив аъзолари бўлган фуқароларнинг сони уч кишидан кам бўлмаслиги, матлубот кооперативида (жамиятида) ва жамоа хўжалигида эса етти кишидан кам бўлмаслиги керак.

Кооператив мустақиллик асосида ҳам, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, кооператив ва бошқа корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар қошида ҳам ташкил этилади ва амал қилади.

Мулкчиликнинг ҳар қандай туридаги корхонанинг, ташкилотнинг қарорига кўра тузиладиган кооператив юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиши, жорий ва ҳисобкитоб счетлари очиши мумкин. Корхона, ташкилот шундай турдаги кооперативнинг уставини тасдиқлайди, унинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини назорат қилади ҳамда унинг фаолият натижалари учун тўла жавобгар бўлади.

2. Кооперативнинг устави кооператив таъсис этишни истаган фуқароларнинг ёҳуд юридик шахслар мухтор вакилларининг умумий йиғилишида қабул қилинади ва кооператив жойлашган ердаги ноҳия, шаҳар халқ депутатлари Совети ижроия қўмитаси томонидан рўйхатга олинади.

Матлубот, ишлаб чиқариш кооперативлари, аралаш шаклдаги кооперативларнинг уставида кооператив аъзоларининг кооператив қарзлари бўйича мулкий жавобгарлиги кўрсатилган бўлиши керак. Бу қоида кооператив уставида ўз аксини топмаса, уни давлат рўйхатига олиш ман этилади.

6-модда. **Кооперативга аъзолик**

1. 16 ёшга тўлган, кооперативнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда иштирок этиш истагини билдирган ва бунга қодир бўлган ҳар бир фуқаро кооператив аъзоси бўлиши мумкин, башарти, Ўзбекистон ССР қонунларида ўзга ҳол назарда тутилган бўлмаса.

Мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек бошқа кооперативлар ва ширкатлар кооперативнинг жамоа аъзолари бўлиши мумкин. Кооперативлар ва уларнинг жамоа аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома асосларида қурилади.

2. Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзоси меҳнат шартномаси бўйича бир нечта ишлаб чиқариш кооперативида ишлаши ёки айни бир вақтнинг ўзида уй-жой ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан шуғулланувчи бир неча кооперативнинг аъзоси бўлишга ҳақли.

Кооперативга кириш ёки унда меҳнат шартномаси (контракт, битим) бўйича ишлаш учун асосий иш жойидаги корхона мулкдорининг, маъмуриятнинг (бошқарув идорасининг) розилиги талаб қилинмайди.

Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар кооперативларда ишлаши ва уларга аъзо бўлиши мумкин эмас.

3. Аъзолик муносабатларидан келиб чиққан низолари ишлар кооператив уставида белгиланган тартибда кооператив идоралари томонидан, Ўзбекистон ССР қонунларида назарда тутилган ҳолларда эса — суд томонидан ҳал этилади.

4. Кооператив аъзоси уставда назарда тутилган ҳолларда кооперативнинг умумий йиғилиши қарорига биноан кооперативдан чиқарилиши мумкин.

Кооператив аъзолигидан чиқарилганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

7-модда. **Кооператив аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

1. Барча турдаги кооперативларнинг аъзолари:

кооператив фаолиятида ва унинг ишларини бошқаришда қатнашиш, кооперативнинг бошқарув ва назорат идораларига сайлаш ҳамда сайланиш, кооператив фаолиятини яхшилаш, унинг идоралари ва мансабдор шахсларининг ишидаги нуқсонларни бартараф этиш ҳақида таклифлар киритиш;

фойдадан (даромаддан) улуш олиш, кооператив тугатилган тақдирда эса — уставда назарда тутилган тартибда қўшган меҳнат ва мулкий ҳиссасига яраша кооператив аъзолари ўртасида тақсимланиши лозим бўлган мулк улушини олиш;

ўз меҳнат ва мулкий ҳиссасига мутаносиб равишда кооператив мулкидан улуш олган ҳолда ўз истагига кўра кооперативдан чиқиш;

кооператив мулкидан, уставда кооператив аъзолари учун назарда тутилган имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланиш;

кооперативнинг мансабдор шахсларидан кооперативнинг фаолиятига доир ҳар қандай масала юзасидан ахборот олиш;

кооператив мулкидаги ўзига қарашли улушни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқига эгадир.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативларининг аъзолари:

ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ва касбий тайёргарликни ҳисобга олган ҳолда кооперативдан иш олиш;

ишланмайдиган кунлар бериш орқали таъминланадиган дам олиш, шунингдек ишчи ва хизматчиларнинг тегишли тоифалари учун қонунда белгиланганидан кам бўлмаган муддатга ҳар йили ҳақ тўланадиган отпуска олиш;

хавфсиз меҳнат шароити билан таъминлаш;

ўзини ижтимоий ва мажбурий тиббий суғурта қилдириш ҳамда ижтимоий таъминланиш;

маданий-маиший хизматдан фойдаланиш ва кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаган тартибда бошқа эҳтиёжларни қондириш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

2. Барча турдаги кооперативларнинг аъзолари:

кооператив уставига риоя этишлари ҳамда кооперативнинг умумий йиғилиши, сайлаб қўйиладиган бошқарув ва назорат идоралари қабул қилган қарорларни бажаришлари;

кооператив фаолиятида меҳнат қилиб ёки мулк қўшиб иштирок этиш билан боғлиқ кооператив олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришлари;

кооперативга хўжалик фаолияти юритиш учун бериб қўйилган табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишлари, уларни асрабавайлашлари ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини бажаришлари шарт.

3. Кооператив аъзолари кооператив уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгалар, шунингдек уларнинг зиммасида уставда кўзда тутилган масъулиятлар бўлади.

8-модда. **Кооператив аъзоларининг масъулияти**

1. Матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш шаклдаги кооперативларнинг аъзолари тугатилган кооперативнинг қарзлари бўйича унинг мулки билан ва ўз шахсий мол-мулклари билан, улар етмаган тақдирда эса Ўзбекистон ССР қонунларида белгиланган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўладилар.

2. Матлубот кооперативининг фаолиятида фақат пай бадаллари қўшиб иштирок этаётган кооператив аъзоси, шунингдек ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооператив аъзоси бўлмиш фуқаро ўзи қўшган пай бадали доирасида кооперативнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади.

3. Матлубот, ишлаб чиқариш кооперативининг жамоа аъзоси хўжалик мустақиллигини сақлаб қолади ва ўз фаолиятида ўзининг уставига (низомига) амал қилади. У мустақил мулкий жавобгар бўлади. Матлубот ва ишлаб чиқариш кооперативи (жамияти) ўз таркибидаги жамоа аъзоларининг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайди, жамоа аъзолари эса кооперативнинг (жамиятнинг) мажбуриятлари бўйича унинг уставида кўзда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўладилар.

4. Ўзбекистон ССР қонунларини бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахслар, кооперативлар ва уларнинг хўжалик уюшмалари (шу жумладан, матлубот жамиятлари иттифоқи) аъзолари қонунда белгиланган тартибда мулкий, маъмурий, жиноий ва ўзгача тарзда жавобгар бўладилар.

9-модда. **Кооперативни бошқариш**

1. Кооперативнинг олий бошқарув идораси умумий йиғилиш, конференция, съезд бўлиб, улар кооператив раисини (бошқарувини), тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлайди ва уларга кооперативни бошқариш бўйича ўз ваколатларини топширади.

Кооперативнинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан унинг ҳар бир жамоа аъзоси, қўшган мулкий ҳиссасининг миқдоридан қатъи назар, бир овозга эга бўлади.

Кооперативда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган фуқаролар умумий йиғилишда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

2. Умумий йиғилиш:

кооперативнинг уставини қабул қилади, унга белгиланган тартибда ўзгартишлар ва қўшимчалар киритади;

кооперативнинг раисини, бошқарувини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлайди (ёллайди), уларнинг фаолиятларига доир ҳисоботларни тинглайди;

кооператив аъзолигига қабул қилиш, аъзоликдан чиқариш масалаларини, шунингдек кооперативдан чиқиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

кооперативнинг ички тартиб қоидаларини, кооператив мулкига етказилган зарар учун моддий жавобгарлик тўғрисидаги, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги қоидаларни ҳамда кооперативнинг бошқа ички ҳужжатларини қабул қилади ва уларни ўзгартиради;

кооперативга кириш, пай бадалларининг ва бошқа бадалларнинг миқдорини белгилайди;

кооператив фаолиятининг режаларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни тасдиқлайди;

фойдани (даромадни) тақсимлаш тартибини, кооператив фондлари ва резервларининг турлари, миқдори ҳамда улардан фойдаланиш йўналишларини белгилайди;

кооперативни қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш, унинг хўжалик уюшмаларига кириши ва улардан чиқиши масалаларини ҳал қилади.

Мазкур масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш кооператив умумий йиғилишининг мутлақ ихтиёрида бўлади. Кооператив уставига ёки умумий йиғилишнинг қарорига мувофиқ кооператив фаолиятининг бошқа ташкилий, хўжалик ва ижтимоий масалалари ҳам кооперативнинг мутлақ ихтиёрига берилиши мумкин.

Зарур ҳолларда кооперативларда умумий йиғилиш ихтиёридаги масалаларни ҳал этиш учун вакиллар йиғилишлари чақирилиши мумкин.

Кооператив бошқаруви (раиси)нинг статуси кооператив устави билан белгиланади.

3. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) кооперативнинг (бошқарувнинг) молиявий ва хўжалик фаолиятини текширади ва у умумий йиғилиш олдида ҳисобдордир.

10-модда. **Кооперативнинг фаолиятини тўхтатиш ва уни қайтадан ташкил этиш**

1. Кооперативни тугатиш ёки қайтадан ташкил этиш, (қўшиб юбориш, бирлаштириш, ажратиш, алоҳида қилиб чиқариш, ўзгартириш) унинг мол-мулкининг эгаси ёки кооператив қайси корхона (хўжалик уюшмаси) ҳузурида ташкил этилган бўлса ўша корхонанинг қарорига мувофиқ, ёҳуд суд ё бўлмаса ҳакамликнинг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

2. Кооперативнинг фаолияти қуйидаги ҳолларда ҳам тўхтатилиши мумкин:

агар кооператив рўйхатга олинган пайтдан бошлаб бир йил давомида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятига киришмаган бўлса ёки амалда тўхтатиб қўйилган фаолиятини даромадлар тўғрисидаги охирги декларацияни топширганидан кейин бир йил ўтгач қайтадан бошламаса;

кооператив узоқ вақт мобайнида (олти ойдан кўпроқ) тўловга қобилиятсиз бўлса;

Ўзбекистон ССР қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

3. Кооператив давлат томонидан рўйхатга олиш реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган ёки тугатилган деб ҳисобланади.

4. Кооператив тугатилган тақдирда қарз берувчилар ва меҳнат жамоаси аъзоларининг даъволари қондирилганидан кейин қолган молмулк кооператив аъзолари ўртасида унинг уставида кўзда тутилган тартибда тақсимланади.

Матлубот жамиятлари иттифоқлари уларнинг олий органлари (съезд, конференция, вакиллар йиғилиши) қарорига мувофиқ тугатилади.

11-модда. **Матлубот кооперациясининг асосий вазифалари**

1. Матлубот кооперациясининг асосий вазифалари:

қишлоқлар, посёлкалар ва шаҳарларда чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари тармоғини вужуда келтириш ва ривожлантириш, ўз аъзолари — пайчилар ҳамда хизмат кўрсатилаётган аҳолига ўзи ишлаб чиқарган ва корхоналар, ташкилотлар ҳамда фуқаролардан сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари сотиш;

аҳоли ва корхоналардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда хом ашё, ёрдамчи хўжалик маҳсулотлари ва ҳунармандчилик буюмлари, кейинчалик қайта ишлаш ва сотиш учун ёввойи ўсимликлар, мевалар ҳамда дори-дармон-техникавий хом ашёни Ўзбекистон ССР қонунларига мувофиқ харид қилиш;

сотиб олинаётган қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва бошқа маҳаллий хом ашёдан, шунингдек улгуржи савдо тартибида харид қилинадиган ресурслар, хом ашё ва материаллардан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

аҳолига ишлаб чиқаришга ва маиший турмушга доир турли хизматлар кўрсатишдан иборатдир.

2. Матлубот кооперативлари (жамиятлари) ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли моллари харид қилишни ва сотишни ташкил этиш орқали фуқароларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хом ашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи ёрдамчи хўжаликларини, шунингдек ҳунармандчиликни ривожлантиришни рағбатлантирадилар.

12-модда. **Матлубот кооперациясининг ўзига хос хусусиятлари**

1. Матлубот кооперативлари (жамиятлари) яккаҳокимликка қарши қонунларнинг талабларига мувофиқ ихтиёрий равишда хўжалик уюшмаларига бирлашишлари мумкин.

2. Матлубот кооперативлари (жамиятлари) хўжалик уюшмалари бошқарувининг олий идоралари — съезд ва конференциядир.

Матлубот кооперативи (жамияти) бошқарувининг Олий идораси — кооператив (жамият) аъзоларининг умумий йиғилишидир.

Съезд ва конференциялар кенгашни (бошқарувни) сайлайдилар. Кенгаш (бошқарув) съезд ва конференциялар оралиғидаги даврда уларнинг вазифаларини бажаради ҳамда уларга ҳисоб беради.

Съезд ва конференция ўзига ҳисоб берувчи назорат идораси — тафтиш комиссиясини сайлайди.

3. Хўжалик уюшмалари бошқаруви идораларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини ижро этиш уларнинг аъзолари учун мажбурийдир.

4. Матлубот кооперативлари (жамиятлари), улар уюшмалари билан давлат, бошқа уюшмалар, корхоналар, ташкилотлар ҳамда фуқаролар ўртасидаги хўжалик муносабатлари шартнома асосида ташкил этилади, башарти, Ўзбекистон ССР қонунларида ўзга ҳол назарда тутилган бўлмаса.

5. Матлубот кооперативлари (жамиятлари) нархлар ҳамда тарифларни мустақил ёки шартнома асосида белгилайдилар. Кооперативлар ва уларнинг хўжалик уюшмалари бозорда яккаҳокимлик қилган ҳолларда давлат фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР қонун ҳужжатларига мувофиқ нарх-навони тартибга солади.

13-модда. **Жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари**

Жамоа хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи ишлаб чиқариш кооперативининг шаклларидан бири сифатида ушбу Қонунда, бошқа қонун ҳужжатлари ва ўз уставида назарда тутилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади.

14-модда. **Жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларининг ердан фойдаланганлик учун масъулияти**

Жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларининг ердан фойдаланганлик учун масъулияти «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни билан тартибга солинади.

15-модда. **Кооперативларнинг ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги фаолияти**

Фуқаролар ўз ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрийлик асосида уй-жой қуриш, уй-жой кооперативлари, гараж қуриш кооперативлари ва бошқа кооперативлар тузишлари мумкин.

Бундай кооперативлар фаолиятининг асосий йўналиши кооператив мулки объектларини (уй-жойлар, гаражлар ва шу кабилар), уставда назарда тутилган ҳолларда эса — кооператив аъзоларининг мулки бўлган объектларни ҳам қуриш ва кейинчалик улардан фойдаланишда пул маблағлари ёки шахсий меҳнат билан иштирок этишдан, шунингдек кооператив аъзоларига кооперативни тузишдан кўзланган мақсадларга мос хизматларни кўрсатишдан иборатдир.

16-модда. **Боғдорчилик ширкатлари, якка тартибда қурилиш билан шуғулланувчилар ширкатлари ва ўзга матлубот ширкатлари**

Ушбу Қонун боғдорчилик ширкатлари, якка тартибда қурилиш билан шуғулланувчилар ширкатлари ва ўзга матлубот ширкатларига нисбатан амал қилади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА КООПЕРАЦИЯ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни матбуотда эълон қилиниши биланоқ амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон ССР қонунлари «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар, Ўзбекистон ССРнинг ушбу Қонунга зид бўлмаган амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига уч ойлик муддат ичида:

жамоа хўжаликлари тугатиладиган (қайта ташкил этиладиган) ҳолларда жамоа хўжалиги аъзоларининг шахсий мулкий жавобгарлиги тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш топширилсин. Ушбу Низом тасдиқлангунга қадар 8-моддининг 1-банди жамоа хўжалигининг аъзоларига тааллуқли бўлмайди;

Ўзбекистон ССРнинг қонун ҳужжатларини «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштириш ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига таклифлар киритиш;

Ўзбекистон ССР Ҳукуматининг қарорларини «Ўзбекистон ССРда кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқлаштириб чиқиш;

Ўзбекистон ССР вазирликлари; давлат қўмиталари, идоралари, концернлари Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминлаш, шунингдек ишлаб турган кооперативлар ҳамда улар уюшмаларининг уставларини Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 14 июнь.

ТАШРИФ ЯКУНЛАНДИ

Лондонга уч кунлик ташрифи тугалланганидан сўнг СССР Президенти М. С. Горбачев 19 июль куни Ватанига жўнаб кетди.

* * *

Шу куниёқ М. С. Горбачев Москвага қайтиб келди.

СССР Президенти самолёт пиллапояси олдида журналистларнинг саволларига қисқача жавоб берди. Лондонга қилинган сафарнинг асосий якуни ҳақида гапирар экан, у шундай деди: «Янги, улкан, кўп қиррали жараёнга асос солинди. Келишувларни муваффақиятли амалга ошириш учун биз ўз томонимиздан мамлакатимизда белгиланган ислоҳотларни амалга оширишимиз лозим. Бусиз бўлмайди. Ғарб мамлакатларининг муқобил ҳаракатига келганда, шуни айтиш керакки, биз ҳамкорликка халқит берадиган тўсиқларни олиб ташлашимиз лозим».

Москвада Ж. Буш билан бўладиган учрашув тўғрисидаги саволга жавоб берар экан менинг ўйлашимча бу «яхши учрашув» бўлади, деди Президент. **(ТАСС).**

• Партия турмуши: изланиш қирралари

Жамиятдаги янгиланиш ва ошкоралик бошланғич партия ташкилотлари иш усули ва услубларини тубдан қайта қуришни, бу борада тинимсиз изланиш ва интилишни қатъий талаб қилиб қўймоқда. Атрофига 86 нафар коммунистни бирлаштирган Хатирчи ноҳиясидаги «Олтинсой» давлат хўжалиги партия ташкилоти ҳам шу талаблардан келиб чиқиб изланяпти. Бу эса сўзсиз партия ташкилотининг жанговарлиги, коммунистларнинг фаоллиги ошишига самарали таъсир ўтказаётир.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Маълумки, кейинги пайтларда жамиятда рўй берган жиддий ўзгаришлар, партия ташкилотлари фаолиятига бўлган танқидий қарашлар, жойлардаги партия қўмиталари штатларининг қисқаруви — буларнинг ҳаммаси гўёки ҳокимият Шўролар қўлига ўтиши муносабати билан партиянинг ташкилотчилик ва раҳбарлик роли, мавқеи камситилгандек туюлмоқда. Хўш, аслида шундайми? Йўқ! Партия бундай қарашларга ўзининг фаол ҳаракати, ташкилотчилик қобилияти ва ташаббускорлиги ҳамда оммага сиёсий таъсир ўтказиш маҳорати билан муносиб жавоб қайтариши керак. «Олтинсой» давлат хўжалиги фирқа партия қўмитасининг тутган йўли худди шундайдир.

Партия қўмитаси котиби ва аъзоларининг ўй-ташвишлари, фаол ҳаракатлари давлат хўжалиги раҳбарлари, мутахассислари ва меҳнаткашлари фаолияти билан уйғунлашиб кетган.

Ишни илмий асосда ташкил қилиш, фойдаланилмай ётган имконият ва резервларни қидириб топиш ва ишга солиш, меҳнаткашларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда меҳнат қўтаринкилигини кучайтириш, илғорлар тажрибасини кенг тарғиб қилиш, яхши иш ва дам олиш шароитини яратиш масалалари билан жиддий шуғулланиш партия ташкилотининг доимо диққат марказида турибди. Бунда йиғилишлар таъсирчанлигини таъминлаш, коммунистлар авангардлигига эришиш, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш каби иш услубларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозир давлат хўжалиги яйловларини қўй-қўзига тўлдириш, эл дастурхони тўкинлигига ҳисса қўшиш нияти билан меҳнат қилаётган илғор чорвадорларнинг олдинги сафида коммунистларни кўриш мумкин. Чўпонлардан Шукур Шомуродов, Убайдулла Эгамназаров, Ражаббой Қўлдошев, эчкибоқар Абдулла Ҳасановлар ана шундай меҳнат илғорларидандир. Партия ташкилоти уларнинг илғор тажрибасини барчанинг мулкига айлантириш тадбирларини белгиламоқда.

Янги самарали усулларни ишлаб чиқаришга кенг ёйиш, ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш, партия ташкилотининг диққат-марказида турган муҳим масалалардан биридир. Давлат хўжалигида чорвадорларнинг ижара усулига ўтиб ишлаш ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган, амалий кўмак уюштирган, кенг тарғибот қилган партия ташкилоти бўлади. Натижада 1990 йили 5 киши ижара усулига ўтиб ишлаган бўлса, бу йил улар сони 30 дан ошиб кетди. Хўш, бу усулнинг самараси нимада кўринди? Партия қўмитаси йиғилишда шу масалани атрофлича муҳокама қилганида, бу саволга жавоб яққол намоён бўлди. Бу ёш чўпон 262 бош эчкини ижарага олган. Уларнинг ҳар юз бошидан 84 тадан, жами 220 бош улоқ, 95 килограмм ангор жуни, 122 килограмм аралашма жун топшириш, жами 8 минг сўмлик иш бажариш тўғрисида шартнома имзолаган эди. Тежамкорликка амал қилса, маҳсулот сифати ҳамда самарадорлигини оширишга эришса, моддий манфаатдор бўлишини пухта англаб меҳнат қилган ижарачи катта ютуқни қўлга киритди. У ички ҳисоб баҳоси бўйича жами 9 минг 175 сўмлик қийматга эга бўлган маҳсулот тайёрлади ва 3435 сўм соф даромад олишга муваффақ бўлди. Д. Қамбаров, А. Ҳайитов, Ҳ. Ёқубов сингари ижарачи чорвадорлар тажрибасини кенг ёйиш, қўллаб-қувватлашга қарор қилинди. Бу ишга партия қўмитаси аъзолари Э. Ботиров, Р. Фармонов, И. Бўриев, С. Шодмонов, Т. Султонов сингарилар сафарбар этилдилар. Улар чорвадорлар ўртасида самарали ишлаш усули натижалари хусусида тушунтириш ишлари олиб боришаётир. Бундан ташқари партия ташкилоти органи бўлган «Чорвадор» деворий газетасида ташаббускорлар иш тажрибаси кенг ташвиқот қилинмоқда.

«Олтинсой» давлат хўжалиги ер майдонлари кенг. Қишлоқлар бир-биридан узоқда жойлашган, яйловлар орасидаги масофа олис. Шуни ҳисобга олиб партия қўмитаси ўз фаолларини ҳар бир отарга бириктириб қўйган. Фаоллар тез-тез чорвадорлар ҳузурида бўлишиб, уларнинг турмуши, меҳнат шароити билан танишадилар, зарур ҳолларда кўмакларини, маслаҳатларини берадилар, мавжуд муаммоларни партия қўмитасига етказадилар. Бу усул ҳам партия ташкилоти жанговарлиги, мавқеи ва обрў-эътиборини оширишда катта роль ўйнамоқда.

— Бугунги вазият, давр фақат изланишни, фаол ва дадил ҳаракатни талаб этмоқда, — дейди партия қўмитасининг котиби Номоз Йўлдошев. — Бинобарин изланиш бор жойда ташаббуслар дунёга келади, фойдаланилмай ётган имкониятлар ҳамда ички резервлар кўзга яққол ташланади, оммa ўртасида жонли, жўшқин иш олиб бориш тадбирларини белгилаш осон кўчади. Партия қўмитамиз шунинг учун ҳам ана шу йўлни танлаган.

Чиндан ҳам «Олтинсой» давлат хўжалиги партия қўмитаси фаолиятида изланиш қирралари бўртиб юз кўрсатмоқда. Бу эса партиянинг, коммунистларнинг меҳнаткашлар ўртасидаги мавқеи ва обрў-эътибори ошувига хизмат қилмоқда.

Н. ЧУТБОЕВ.
Самарқанд вилояти, Хатирчи райони.

• Ҳаракатда баракат

Иброҳим РАҲИМ.
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

БОРИНИ БЎЛДИРИБ, ЙЎҒИНИ УНДИРИБ

Маълум ва машҳурки, «саккиз ариқ Қува» ерининг ҳар бир қаричи азалдан олтинга баробар: сувнинг бошида ва қуёшнинг қошида — қадимдан ҳосилдору самарадор. Нима эксанг унади: сутдай оқ, қиз сочидай майин ва узун тола пахтаю, олтиндай буғдой ила қаҳрабо макка. Жаннатий меваларини айтмайсизми! Ҳақиқдона шифобахш анор, асалдан асил тиллоранг узум, дардга даво қандин ўрик, луччагу нашватилар... Ҳар бири бебаҳо. Уларнинг ҳаммаси эмас, фақат юздан тўрт қисми қуваликка насиб қиларди: бир юз қирқ минг аҳолини умум майдоннинг 3—4 фоизини ташкил этган томорқагина боқарди.

Президент Фармонидан кейин «қимирлаган жон борки» томорқа учун ер талаб қилиб, катта-кичик идораларга югурди. Чунки бу ерда ҳамма томорқани бирдан бир тириқчилик манбаи деб биларди. Бироқ, бутун водийда бўлгани каби бу ерда ҳам ер оз. Ҳар оилага биттадан берилса ҳам минг-минг гектар ҳосилдор пахта ери кетади. Қанчалик оғир ва қийин бўлмасин «кичик ер ислоҳоти» бўлиб ўтди. Ўн етти мингдан ортиқ хўжалик янги уй-жой учун ер олди, 10638 оилага томорқа ери берилди. Ер олганлар озиқ-овқат, сабзавот, мева-чева етиштира бошладилар.

Қуваликларнинг фавқулодда муаммолари ана шундан кейин кўндаланг бўлганди. Томорқаларда етиштирилаётган сабзавот билан меваларнинг тақдири: улар аввалгидан учтўрт баравар кўпаяди. Бинобарин, чакана бозор муаммони ҳал қилолмайди. Улгуржи ечим керак. Жамоа хўжаликлари ўз йўли билан 1700 гектар янги боғ яратдилар. Ҳўл мева кўпайяпти. Бунинг тақдири матлуботчилар қўлида.

Қува матлубот жамиятининг раиси Иброҳимжон Каримов тажрибали савдогар эмасми, янги иқтисодий вазиятда шундай муаммолар пайдо бўлишини аввалдан ҳис қилиб, дарҳол тадбирий чоралар белгилаб қўйганди. Янги ва қўшимча томорқаларда етилаётган сабзавот, полиз экинлари, мева-чеванинг қанчаси бозорларда чакана нархларда сотилиши, қанчаси матлубот дўконларидаю, қанчаси қўшни ёки узоқ шаҳарларга юборилишини тахминлаб чиқди. Унга аён бўлдики, аҳоли етиштирадиган маҳсулотнинг тенг ярми ташкилий харидга муҳтож. Қолаверса, уларни узоқ муддат асраш, консерва қилиш йўллари билан ҳам аҳоли эҳтиёжини йил бўйи қондириш мумкин.

Коммунист Иброҳимжон Каримовнинг ташаббуси билан, албатта, ноҳия раҳбар ташкилотларининг катта кўмаги билан, район маркази ва аҳоли зич яшайдиган қишлоқларнинг гузарларида деҳқон бозорлари қурилди. Маҳсулот келтирган деҳқон учун пештахтаю тош-тарозу муҳайё. Бундай деҳқончилик маҳсулотларини деҳқонларнинг ўзлари сотадиган бозорчалар ҳозир олтита. Бозорларга маҳсулотини келтирувчиларга қулайлик ҳам етарли. Машина деса грузовик, арава деса отарава — хўжаликлар йўқ демай беради. Бундай бозорларда чакана ва улгуржи савдо ҳам яхши йўлга қўйилган. Жамоа хўжаликларининг ҳар бозорда ўз мева дўконлари бор. Чакана савдо билан дўкон савдоси кўпинча бир-бирлари билан рақобат қилиб туради. Бу эса нарх-навонинг арзонлашувига яхши таъсир кўрсатади.

Мева бозорини текислаб турувчи яна бир омил бор. Матлубот жамияти ҳам мева билан олди-сотди ташкил этган. Бозорда чакана савдо қилиб ўтиришдан вақтини аяган деҳқон мевасини матлуботчилар дўконига ёки консерва заводига улгуржи тортиб бериши мумкин. Қишлоқларда — Бекатда, Энгельс номли жамоа хўжалигида, «Анор» шўро хўжалигидаги консерва заводлари ҳам аҳоли мевасига эшигини катта очиб қўйган.

Матлуботчиларнинг савдо-сотиқ қилувчи кичик корхоналари уч жойда аҳолига хизмат қилмоқда.

Яқиндагина ишга тушган консерва заводи қуйидаги биринчи эълони билан бутун районга машҳур бўлиб кетди:

«Эълон. Барча томорқа олган деҳқонлар, мева етиштирувчи оилалар! Янги консерва цехи сизлар учун қурилди. Емак-ичмакдан ортган мевангизни тўхтовсиз қабул қилишга тайёрмиз. Пулини нақд санаб оласиз!».

Қува деҳқонлари етиштирган мевани шарбат қилувчи матлубот жамияти консерва цехлари жумҳуриятимиз аҳолисига ўтган йилгидан кўпроқ анор шарбати, ўрик мураббоси, олма-олча суви, шафтолию олхўри консервалари етказиб бериш учун жонбозлик кўрсатяптилар. Бундай цехлардан ҳозир Қувада бештаси ишга туширилди, олтинчиси битказиляпти.

«Кичик ер ислоҳоти» туфайли бу ерда «Битта ҳам уй-жойсиз оила қолмасин!» деган ҳаракат кўтарилди. Ноҳия марказида ва узоқ қишлоқларнинг чекка-чеккаларида бирданига ўн етти минг уй-жой қурилмоқда. Ўн етти минг! Айтмоққа осон, қурмоққа мушкулдан мушкул: ғишт, цемент, ёғоч, тахта, шифер, эшик, ром, мих, электр асбоблари, барча бинокорлик материалларини қаердан оладилар? Қишлоққа давлат жамғарма бермайди. Қишлоқда уй қурувчиларни ҳам матлубот жамияти таъминлаши керак. Матлубот жамияти қаердан олади? Ўзи топиши керак!

Қишлоқларга йўл олсангиз ҳар одимда катта-кичик бино қуриляпти: кимлар хом ғишт қуйяпти, кимлардир бўлажак участкасида саккиз жойда семонли тайёр қум лой тайёрлаш корхонаси қурилди. Қурувчилар нақд пулга тайёр лой сотиб оладилар. Ноҳияда қурилган олтита бетон заводи қурилиш объектларига керагича бетон бериб турибди. Ғишт муаммоси ҳам бошқа жойлардагига қараганда бирмунча яхши ҳал бўляпти. Хом ғишт чиқарадиган заводларнинг сони саккизтага етди. Бешта завод пишиқ ғишт чиқаряпти. Уларнинг маҳсулоти қўлма-қўл бўлиб тарқалмоқда. Шунингдек, яқинда ишга тушган бешта оҳак цехи маҳсулоти ҳам якка тартибда уй-жой қурувчиларга хизмат қила бошлади. Эшик, ромнинг бозори чаққон. Эшик-ром тайёрловчи усталарнинг қўли-қўлига тегмайди. Қишлоқларда 12 та дурадгорлик устахонаси ташкил қилинди. У ерларда энг яхши усталар тайёрлаган дурадгорлик маҳсулотлари ҳаридорларга ташкилий тарқатилмоқда. Баъзан бир ҳовуч мих қидириб шаҳарма-шаҳар юришга тўғри келарди. Ҳозир қуваликлар михни ҳам ўз заводидан ола бошладилар. Ноҳияда қурилиб ишга туширилган мих заводи аҳоли эҳтиёжини қондиришга қодир.

Районда матлубот жамияти ҳаракати Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, 1893 йили бошланган эди. Пайчилар дўконларида Россиядан ва чет эллардан олиб келинган ноёб саноат моллари ва матолари сотиларди. Бу заминда етиштирилган маҳсулот жаҳон бозорларида пулланарди. Қадимги матлубот жамияти ўз низоми, дастурига эга бўлиб, энг демократик пайчилар жамияти эди. Барча ҳаракат пайчилар рози-ризолигида қилинар, даромаду-буромад ҳаммага ошкора қилиб турилади, фойданинг маълум қисми пайчиларга инъом қилинарди.

Инқилоб даврида йўқолиб, кейинчалик яъни 1925 йили тикланган район матлубот жамияти ўша демократик анъаналарни ҳозирда қайтадан тиклаб, давом эттирмоқда. Пайчилар манфаати биринчи ўринда бўлиши керак. Шу боисдан пайчилар ғавжум яшайдиган қишлоқларда худди марказдаги янглиғ универмаглар қурилмоқда. Шулардан айримлари Қувада, темир йўл станциясида, Бекат қишлоғида, Қўшкечикда, Хонободда пайчиларга хизмат қилмоқда. Уч жойда янги универмаг қурилиши битай деб қолди. Ҳар қишлоқда матлубот гузари бор: унда худди қадимгидек чойхона, нонвойхона, гўшт дўкони, боққолчилик мавжуд. Айрим обод жойларда кафе, музқаймоқ, қандолатфурушлик ишлаб турибди.

Матлуботчиларнинг аҳолига намунали хизмат кўрсатиш тажрибалари вилоят, жумҳурият, ҳатто Бутуниттифоқ семинарларида намойиш қилинади. Қайта қуриш бошланишида бу ерда ўтказилган Бутуниттифоқ семинарида мамлакат кооператорлари матлуботчиларнинг тажрибасини барча жумҳуриятларда оммалаштиришга қарор қилган эди. Ундан кейин матлуботчиларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш намуналари ҳақида яна бир неча бор жумҳурият, вилоят семинарлари ўтказилди. Ҳаммасида Иброҳимжон Каримов маърузалар қилди.

Бундан бир йил аввал вилоят фирқа қўмитаси қувалик ишбилармонлар тажрибасига бағишланган семинар ўтказди. Унда вилоятдаги шаҳар, ноҳиялар фирқа қўмиталарининг биринчи котиблари ҳам иштирок этдилар. Семинар иштирокчиларига матлубот жамиятининг аҳолига кўрсатаётган турли хил хизматлари намойиш қилинди. Улар матлуботчилар кучи билан қурилган ноғ комбинатидан тортиб, сўқимчилик, бўрдоқичилик базасигача, қассобчиликдан тортиб, колбаса ишлаб чиқаришгача, музқаймоқ цехидан тортиб, лимонад цехигача бориб кўрдилар. Томорқачилар маҳсулотига хизмат қиладиган гузару, бозор ва бозорчилар иншоотлари билан танишдилар. Ўз-ўзига хизмат қилувчи савдо дўконларидан тортиб, катта универмагларнинг замонавий, маданий хизмати билан ошно бўлдилар. Матлуботчилар дам олиш уйларию, кашшоф болалар лагерлари ҳам четда қолмади. Семинарчилар ўз жойларида тадбиқ қилувчи катта сабоқ олдилар.

Бир сўз билан айтганда, ишбилармонларнинг жонбозлиги туфайли район матлубот жамияти ўз мавқеини яна тиклаб олди, улар 1990 йил мусобақасида ғолиб чиқиб, Бутуниттифоқ биринчи совринини олган эдилар, бу йил янги байроқни қўлга киритишни кўзлаб олға боряптилар.

Улар бутун жумҳуриятни Шарқ ширинлиги — қандолат билан таъминлашмоқчи. «Эшитдингизми? — деб сўради тошкентлик дўстим. — Озиқ-овқат мўл-кўлчилигини таъминлаш борасида она шаҳримиз матлуботчилари катта хизмат қиляптилар!» Аммо қандолатчилик соҳасида бундай кўламдаги ишни у ерга борганимда кўрдим. Шаҳарнинг шарқий-жанубий қанотида ҳайбатли темир-бетон бино каркаси кўкка бўй чўзиб турибди. Унинг биқинида яна бир катта иморат қад кўтарган. Биринчисида қандолат пиширилади, иккинчиси офсет фабрикаси, иккиси тиклангач, ҳамма нарсаси бир жойда битадиган, бўяб-бежалган, чиройли қоғозга ўралган тайёр қандолат комбинати пайдо бўлади. Ҳозирча уни фабрика деяптилар, ишга тушгач, жумҳуриятдагина эмас, мамлакатда биринчи бўлиб қандолат комплекси юзага келади. Чунки, ҳозиргача мавжуд қандолат фабрикалари безакли ўров қоғозларини бошқа жойдан олади ва ўраш-тайёрлаш ишлари яна бошқа жойда битади. Бу ерда ҳаммаси конвейер билан битади. Иброҳимжон Каримов югурибелиб Германиянинг «Отто-Хензель» фирмаси билан алоқа боғлаган ва қаттиқ карамель линиялари етказиб бериш ҳақида шартнома имзолаган. Хорижий фирма замонавий линияларни октябргача етказиб беришга тайёр. Объектнинг бошқа линиялари ўзимизники. Улар нақд комплектланган. Ҳозирча «ирис» ишлаб чиқарадиган линия насия бўлиб турибди. Қурилишнинг бориши ҳам Каримовни қаноатлантирмаяпти.

— Ярим йилдан кейин жумҳурият аҳолисига йилига олти минг бир юз тонна турли-туман карамель конфети, салкам бир ярим минг тонна «ирис», печенье, вафли, новвот, пашмагу печаккандлар беришимиз керак. Сифати аъло, нархи арзон бўлади. Қурилиш секин боряпти. Афсус.

— Нега?

— Ўз қўлимиздан келадиган ишлар рисоладагидай. Матлубот жамиятининг ПМКСи — ўз қурилиш ташкилотимиз қуряпти. Кучи оз, техникаси кам.

Иброҳимжон Каримовнинг устма-сут илтимосларидан кейин, ниҳоят, шу йилнинг 14 июнь куни «Ўзбекбирлашув»дан ҳам, ижроқўмдан ҳам одамлар келдилар. Каримов уларни объектлар билан ошно қилгач, масалани кўндаланг қўйди:

— Президентга берилган ваъдани бажарамизми, йўқми? Топшириқни амалга оширамизми, йўқми? Ё «ҳа» денглар, ё «йўқ» денглар. «Ҳа» бўлса — амалий иш қилайлик. «Йўқ» десаларингиз — ошкора гапиринглар!

Ҳеч ким «йўқ» демади. — Қурилиш Президент назоратида турибди. 18 июндан бошлаб қурилишга ҳар куни 500 киши қўйиладиган бўлди. Фарғона қурилиш монтажчилари, электр монтажчилари эртасига ёрдамга келадиган бўлдилар. Жумҳуриятда ягона қандолат комбинатини келаси йилнинг биринчи ярмида ишга туширишга аҳд қилдилар.

— Бир йилдан кейин қандолат олгани бу ерга келсак бўладими? — сўрадик Каримовдан.

— Бўлади! — деди Каримов қатъий.

Каримов ўз кучига, ўз тажрибасига ва ўз одамларига ишонади. У ўзининг савдодаги узоқ йиллик машаққатли хизмати даврида не-не тўсиқларни ёриб ўтмади ва қанчаданқанча қийинчиликларни енгиб ўз ноҳиясинй савдо шаҳобчаларига бостириб, пайчиларни ҳушнуд этмади. У ярим асрдан бери сурункасига, шу соҳада ишлайди. Бирон марта қайфсан олганини на одамлар, на архив жилдлари билади. Аксинча кўкси СССР орденларига, жавони жумҳурият Олий Кенгаши Фахрий ёрлиқларига тўла. Неча бор энг юқори конкурсларнинг совриндорию, юксак кўргазмаларнинг фахрий тақдирномаларига сазовор бўлган. Аммо бирон марта унинг мақтаниб кўкрагига урганини ҳеч ким кўрмаган. Бироқ ўз ишидан қониқмай ҳамиша олға интилишини ҳамма билади.

Жумҳуриятимиз Президентининг яна бир Фармони — чорвачиликни ривожлантириш, деҳқон хўжаликларининг мол-қўйларини емхашак билан таъминлаш ҳақидаги тадбирлари бу ерда қандай бажариляпти? — деган савол туғилиши турган гап. Бу соҳада ҳам ишлар чакки эмас. Район раҳбарияти ва матлубот жамияти 1990 йилнинг ўзида кўпайтириш ва семиртириш учун аҳолига арзон нархда 400 бош қорамол, беш минг бош қўй-эчки, 25 минг парранда сотди. Бундан ташқари аҳолининг қўлидаги чорвасини боқиш учун 2746 тонна омихта ем, 400 тонна шелуха, 551 тонна қунжара, 5 минг тонна силос ва ширали озуқа, 25 минг тоннадан ортиқ беда, пичан ва кўк ўт берилди.

Мен бу рақамларни санаб ўтишимнинг сабаби бор. Президентнинг юқоридаги Фармони эълон қилингунча деҳқон чорваси омихта емни тушида ҳам кўрмасди. Қунжара билан шелуха эса, шундоқ ияги тагидаги заводдан чиқиб, тўппа-тўғри марказга кетарди. Шу Фармон туфайли улар жумҳуриятимиз молқўйига насиб қиляпти. Шу сабабдан деҳқонларда, биргина районнинг ўзида деҳқонларнинг шахсий қўй-эчкиси 25 мингга, сигири 13 мингга, бузоғи 12 мингга етди. Бу юрт тарихи кўрмаган ўсиш!

Матлуботчиларнинг азалий анъаналарига содиқ бўлган Каримов ташқи дунё матлуботчилари билан яқиндан алоқа ўрнатиб олди. Айниқса, Қува-Токио муносабатлари қониқарли боряпти. Қува асалию, ўриги ва аноридан Япония аҳолиси миннатдор. Япония саноат маҳсулотлари эса қуваликларга манзур. Матлубот жамиятининг хориждан келтирилган моллари Тошкентдаги кўчма дўконларда ҳам харид қилиниб турилади. Бундан ҳамма манфаатдор.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. Пахтакор районидаги «Пахтакор» давлат хўжалигининг Саид Гулбоев етакчилигидаги звеноси аъзолари бу йил 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан режадаги 24 центнер ўрнига 30 центнердан пахта олишга ҳаракат қилишаётир.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Баҳром Эрназаров билан звено бошлиғи Саид Гулбоев.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

• ОЗИҚ-ОВҚАТ МАСАЛАСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА

ФОЙДА ҲИСОБИГА ЮЗ СЎМДАН

Ғиждувон пиво ва чанқовбосди ичимликлар заводи жамоаси бозор иқтисодиёти қийинчиликларини мардонавор меҳнат билан енгиш чораларини кўряпти. Шу йилнинг 6 ойи мобайнида олинган иқтисодий соф фойда 21 минг сўмни ташкил этди. Корхона маъмурияти шу фойда ҳисобидан ўз ишчиларига ойлик маошга қўшимча 20 фоиздан — ҳар ишчи ҳисобига ўртача 100 сўмдан қўшиб бермоқда.

Хўш, бунча фойда олишга қандай эришилди? Заводнинг билимдон цех бошлиқлари М. Муҳаммадиев, Т. Саъдиев, илғор ишчилардан А. Ҳотамов, С. Бозоров, М. Аслонова, М. Бозорова, шаҳар Кенгаши депутати А. Раҳмоновларнинг суҳбатларидан маълум бўлдики, фойда олиш учун ҳалол меҳнат қилиш керак. Биз ҳам ана шу мулоҳазага тўла қўшиламиз.

Негаки, корхонада ишлаб чиқаришни механизациялаш, маҳсулот турларини ва сифатини ошириш учун муҳим тадбирлар кўрилди. Ўтган йили бу ерда сув юмшатгич қурилма йўқлиги сабабли чанқовбосди ичимликларнинг сифати талабга жавоб бермасди. Бу йил корхонада ана шундай қурилма ўрнатилди. Натижада ичимликларнинг сифати тубдан яхшиланди. Заводда ичимликларнинг янги турларини тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ана шуларнинг ҳаммаси корхона иқтисодий-техника кўрсаткичларини яхшилаб боришга ёрдам бермоқда.

Кейинги олти ой мобайнида 1 миллион 400 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Режадан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулот 284 минг сўмликни ташкил қилди. Режага қўшимча 30 тонна шарқ ширинликлари ва кўплаб чанқовбосди ичимликлар, музқаймоқлар савдо тармоқларига етказиб берилди. Эндиликда «Хўжажаҳон» маркали минерал сув тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

СУРХОННИНГ БЎЛИҚ БОШОҚЛАРИ

Жазирамадан сарғайиб кетган адирлар. Унда ғаллазорлар бир даҳиқа тўхтаб қолган қуёш каби думалоқ бўлиб кўринади. Ёшлигингизда кўрган манзараларни шу ерда кўриш мумкин: одамлар ўроқ билан буғдой ўришяпти. Ёнларида буғдой боғламлари ғарам қилиб қўйилган. Йўқ, қирқинчи йиллардаги ҳаёт тўғрисида фильм суратга олинмаяпти, бутун Сурхондарёда бўлгани каби Олтинсой районида ҳам экинзорлар шу тарзда тежалади. Мен Бойсун, Сариосиё, Шеробод районларида оддий сўқмоқлар ҳам бўлмаган ана шундай ғаллазорларни кўрдим. Буларнинг ҳаммаси биргаликда хўжаликларнинг донга аввалига нисбатан бутунлай бошқача муносабатини кўрсатади.

Бу ерда бир бурда нонни ҳам кўни-қўшнилар билан баҳам кўриш одати бор. Лекин ана шу «бир бурда нон» сўзлари тўғри маънода эшитиладиган давр келиб қолди. Нон асосий овқат ҳисобланган кўп болали оилаларда шу бир бурда нондан ҳам маҳрум бўлишлари мумкин эди. Пахта яккаҳокимлиги дон ва озуқа етиштириш учун деярли ер қолдирмаган эди. Гўё Ўзбекистоннинг вазифаси тола етиштириб бериш. Дон билан эса бошқа жумҳуриятлар етарли даражада таъминлар эмиш. Бироқ жумҳуриятлар қабул қилган суверенитет, миллатлараро муносабатларнинг жўн эмаслиги ана шу умидларни пучга чиқарди. Энди Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятлари фақат ўз кучига ишона бошлади.

— Сўнгги икки йилда биз дон етиштиришни уч баравар кўпайтирдик, — дейди Сурхондарё вилоят партия комитетининг деҳқончилик бўлими мудири Ш. Юнусов. — Маккажўхори ва шоли билан биргаликда икки юз минг тонна дон тайёрлаймиз. Бу ҳам чегара эмас, имкониятлар бор...

Яқин-яқинларгача фақат пахта етиштириш билан шуғулланган вилоят ўзи учун зарур донни деярли 60 фоизини ўзи етиштирмоқда, чорвачилик учун ҳам ем кўпайиб қолди. Бунинг учун пахта етиштириладиган суғорма ерларни қисқартиришга тўғри келди, албатта. Лекин бошқа йўналишда имкониятлар ҳам бор — жанубий районларда йилига икки марта ҳосил олишни ўрганиб олишди. Баҳорда кузги ғалла ҳосили йиғиштириб олиниб, ўрнига маккажўхори экилади. Натижада кузда гектаридан 80 центнердан 100 центнергача дон олинади.

Асосий заҳира эса деҳқоннинг маҳоратида, бу ердаги ибора билан айтганда, ер ва сувнинг тилини билишда. Масалан, Жарқўрғон районидаги «Социализм» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Нурқобил Эшқурбонов кабиларнинг моҳирлигида, унинг даласида ҳар гектар ердан 50 центнердан кўп буғдой олинмоқда.

— Биз бундан ҳам кўп ҳосил олишимиз мумкин эди, — дейди бригадир. — Лекин буғдой нави бизнинг жануб шароитига мослашган эмас. Тез етилади ва тўкилиб кетади. Ҳосилнинг анча қисми нобуд бўлади...

Айтмоқчи, тажрибали ғаллакорнинг эътирозлари асослидир, бошқа эътирозлар ҳам бор. Мен бундай эътирозларни ғаллачилик республика илмий-тадқиқот илмгоҳи жойлашган Жиззах вилоятининг Ғаллаорол районида ҳам эшитишимга тўғри келди. Чамаси, бу илмгоҳнинг олимлари кўпдан буён «велосипед» кашф қилишяпти. Чунки улар жанубий зонадаги деҳқонларга ишончли навларни яратиб берганлари йўқ, агротехникага доир тавсиялар ҳам берганлари йўқ, бу ердаги ғаллакорлар фанга эмас, кўпроқ халқ тажрибасига таянадилар.

Донни ўзимизда етиштиришга ўтар эканмиз, деб ишонтиришди мутахассислар, экин майдонлари тузилишини ҳам ўзгартириш, ғалла учун энг яхши экинзорларни ажратиш лозим бўлади. Ҳозирча эса энг яхши экинзорлар пахтага ажратилган. Буни ҳосилдорликнинг турлича эканлигидан ҳам билса бўлади. Дон экинларини ҳамон оралиқ экин ҳисоблаётган айрим районларда суғориладиган ерларнинг гектаридан 25—30 центнердан, бошқаларида эса бир ярим баравар кўп ҳосил олинмоқда.

Ўзимиз учун донни ўзимиз етиштиришимиз керак, дейишди Сурхондарёнинг шимолидаги Шўрчи районида. Бунинг учун қатъий ҳаракат қилишди. Дон экинлари майдонини икки баравар кўпайтиришди, ҳосилдорликни оширишди. «Коммунизм» жамоа хўжалигида гектаридан 50 центнер буғдой ва 70 центнер маккажўхори дони олинмоқда. Районда тегирмон комбинати ишга тушди. У ерда бир кеча-кундузда 600 тоннагача ун ва 505 тонна омухта ем ишлаб чиқариляпти. Ўз тегирмонимиз турганда қўшнилар ҳузурига боришга на ҳожат, дейишади бу ерда...

Хуллас, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, озиқ-овқат муаммосининг шу вақтгача бўлганига нисбатан пухтароқ ўйлаб чинакам ҳал қилиш мумкин. Бунинг учун фақат ташаббус кўрсатиш керак.

М. БАБИНЦЕВ,
«Сельская жизнь» мухбири.
Сурхондарё вилояти.

(«Сельская жизнь» рўзномасининг 139-сонидан).

• АХБОРОТ

ҚИШЛОҚ КУНЛАРИ

Қишлоқлар ўртасида маданият, адабиёт ва санъат бўйича ўтказилган мусоҳабага «Қишлоқда қишлоқ кунлари» деб ном берилди. Паркентнинг Номданак вакиллари Чанги қишлоғи меҳмони бўлдилар. Муҳташам клубда намойиш этилган саҳна асарларидан парчалар, «Наврўз» фольклор ансамбли ижросидаги куй-қўшиқ, рақслар, лапарлар, асқиячилар тайёрлаган кулгили номерлар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Бу тадбирни ўтказишдан мақсад — мусобақадош қишлоқлар бир-бирларининг яшаш тарзлари, маданий савиялари билан яқиндан танишиш ва ўзаро тажриба алмашишдан иборатдир.

БОЛАЛАР СЕВИНАДИГАН БЎЛДИ

ГАЗАЛКЕНТ. Бўстонлиқ районида ҳозир 2 минг нафарга яқин ишсиз бор. Уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш учун кичик корхоналарни кўпайтириш тақозо этилади.

«Крекер» заводи худди ана шу мақсадга мўлжалланган. Шунисй диққатга сазоворки, бу ерда республикада илк бор «Крекер» печеньесини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Жадал қурилаётган корхона дастгоҳларини ГФР мутахассислари ўрнатишмоқда.

Корхона фойдаланишга топширилгач, 130 нафар киши иш билан таъминланади. Йилига 6 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу, 20 миллион сўмлик маҳсулот демакдир. Турли шакллар — балиқ, қуён, жўжа, қўзичоқ, кийик, айиқча кўринишидаги бу печеньеларни болакайлар ёқтириб қолишлари турган гап. Шунингдек; хўжаликлар қошида майиз қуритадиган, сабзавот маҳсулотларидан консервалар ишлаб чиқаришга мослаштирилган цехлар ҳам қурилади.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ. Тўрақўрғон районда озуқа экинлари майдони 360 гектарга кенгайтирилди. Бу иш аҳоли шахсий хўжалигидаги чорва моллариии озуқа билан таъминлашни яхшилаш мақсадида амалга оширилди. Масалан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида аҳолига кўплаб озуқа тарқатилмоқда. Бундан хўжаликнинг ўзи ҳам манфаатдор. Чунончи, Муродилла Юсупов ўз оиласида 45 бош қорамол боқмоқда. Гарчи уларнинг ҳаммаси ҳам соғин сигир бўлмаса-да, жамоа хўжалигига 85 тонна сут сотилди. Оила эса 15 минг сўм пул ишлади. Натижада оила «Москвич» машинаси ва «ГАЗ—53» юк машинаси, яқинда эса от сотиб олди.

СУРАТЛАРДА: озуқачилик бригадаси аъзолари Рустам Кўкибоев ва Худойберди Салоҳиддинов. Беда ва рапс ўрими.

А. КОВТУН олган суратлар (ЎзТАГ).

СУРАТ-АХБОРОТ

ЎЛКАМИЗДА ПИШИҚЧИЛИК

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Свердлов районидаги Свердлов номли жамоа хўжалигининг Шафоат Исмонлова бошлиқ бригадаси аъзолари 40 гектар ерда деҳқончилик қилиб, режадаги 790 тонна ўрнига 840 тонна сабзавот тайёрлашга ва 125 тонна ўрнига 130 тонна узум тайёрлашга аҳд қилишган.

Чапдаги суратда ана шу бригада аъзоларидан Саид ва Самад Иноятовлар.

Ўнгда эса Гагарин районидаги Абдулла Набиев номли давлат хўжалиги боғбон ва соҳибкорлари етилиб пишган олмаларни тезкорлик билан яшикларга жойламоқдалар.

Ч. Олимов ва И. Хўжаев (ЎзТАГ) олган суратлар.

ОБ-ҲАВО...

Ўзбекистон об-ҳавони кузатиш марказидан хабар беришларига кўра, шу ҳафтада жумҳуриятимизда ҳаво очиқ, кунлар жазирамали бўлиб туради. Айрим тоғли масканларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади, кучсиз шамол эсади. Кечаси 17—22, кундузи 33—38 даража иссиқ бўлади. Жумҳуриятимизнинг Бухоро, Хоразм, Қорақалпоғистон вилоятларида айрим кунлари ҳарорат кўтарилади. Кечаси 19—24, кундузи 40 даражагача иссиқ бўлади. Ҳафтанинг охирига бориб, ҳарорат 2—4 даража пасаяди.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва табиий даволаш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрига қараганда, бундай жазирамали кунларда оғир бемор кишилар ўзларини нохуш сезадилар. Айниқса, сурункали ҳаво етишмаслиги, мия томирларида қон айланиши бузилган, юрак сиқилиши, ўпка-нафас ва бўғин аъзолари хасталанган кишилар кўпроқ безовта бўладилар. Бундай бемор кишиларга аввалгидек муолажа парваришини давом эттиришлари маслаҳат берилади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ҚУТЛУҒ САНАЛАР — АТОҚЛИ ЎЗБЕК МУТАФАККИРИ ВА ШОИРИ АЛИШЕР НАВОИЙ туғилган кунинг 550 йиллиги, улуғ ўзбек шоири ва давлат арбоби ЗАҲИРИДДИН БОБУРнинг 510 йиллиги (1993) ва таниқли ўзбек олими, мутафаккир, инсонпарвар олим МИРЗО УЛУҒБЕКнинг 600 йиллиги (1994 йил) муносабати билан

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР УЮШМАСИ АЛИШЕР НАВОИЙ, ЗАҲИРИДДИН БОБУР ВА МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ КИНОСЦЕНАРИЙСИ УЧУН

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ҲАР БИР НОМ БЎЙИЧА ЭНГ ЯХШИ КИНОСЦЕНАРИЙЛАРГА ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР БЕРИЛАДИ:

Биринчи мукофот — 50 МИНГ СЎМ.
Иккинчи мукофот — 25 МИНГ СЎМ.

Биринчи мукофотга сазовор бўлган киносценарийлар келгусида «ЎЗБЕКФИЛЬМ» давлат ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлимларидан бирида ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

Иккинчи нусхадаги киносценарийлар ўзбек ёки рус тилларида қуйидаги манзилга тақдим этилиши мумкин: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ — **ЎЗБЕКИСТОН КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР УЮШМАСИ**

«Буюк ипак йўли» таассуротлари

НОЁБ ОБИДАЛАР ТАҚДИРИ

МАНА, икки ойга яқин кўҳна Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари бўйлаб сафарга чиққан «Буюк ипак йўли» экспедицияси ўз манзилига етди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маърифат, илм ва маданий масалалар бўйича (ЮНЕСКО) ташкилоти томонидан тузилган бу экспедицияда 24 мамлакат вакиллари: тарихчи ва шарқшунос, археолог ва этнограф, фольклорчи ва тилшунос, географ ва санъатшунос олимлар, журналист ва киночилар иштирок этдилар. Турли касб, тил ва ирқдаги 120 га яқин кишидан иборат йирик мутахассислар ва ташкилотчи ходимлар ўзаро танишиб, бир оиладек самимий суҳбатлар, жўшқин баҳслар ва мунозаралар ўтказиб маънавий озуқа олдилар. Экспедиция эълон қилган «Буюк ипак йўли — мулоқотлар йўли» инсонпарварлик ғояси оқланди, десак хато бўлмайди.

Мазкур экспедиция Узоқ Шарқ ва Ғарб халқлари тарихидаги қадимий савдо йўлларини қайта ўрганиб, улар ўртасидаги тарихий муносабатларни тадқиқ қилиш туфайли халқаро дўстлик алоқаларини яна ҳам мустаҳкамлаш мақсадини ўз олдига қўйган. Бинобарин ЮНЕСКОнинг мазкур тадбири халқлар ўртасида маданий муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришни ҳам шу мақсадга йўналтирган. Шунингдек «Буюк ипак йўли» Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари яратган қадимий маданий обидаларни кенгроқ миқёсда тадқиқ қилишга, шу билан тарихий тафаккурни ўстиришга катта ҳисса қўшади.

Тарихий жиҳатдан тақдири бир, дини ва турмуш тарзи яқин Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари Мағрибдан Машриққача турли халқлар билан асрлар давомида ўзаро яқин алоқаларни юзага келтирганлар. Шундай ажойиб воситалардан бири «Буюк ипак йўли» бўлган.

У 25 аср давомида халқаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган эди. Унинг масофаси етти минг километргача бориб, ўз ичига ниҳоятда катта майдонни қамраб олган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур карвон йўли эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида, аниқроғи II асрларда очилган.

Ўрта Осиёдаги бу қадимий йўл дастлаб икки йўналишга эга бўлган: ғарбий қисм Месопотамияга, шарқий йўли Хитойгача чиққан. Ниҳоятда баланд тоғ тизмаларидан иборат Помир ва Тянь-Шанни забт этиб ўтишга тўғри келган. Атоқли хитой сайёҳи олим Чжан Цанкинг матонати туфайли бу икки йўналишга йўл очилиб карвонлар бу чўққилардан ошиб ўтадиган бўлган. Шундай қилиб «Буюк ипак йўли»нинг бир қисми Ўрта Ер денгизи соҳилларидаги Юнонистондан Узоқ Шарқдаги Хитой ва Ҳиндистонгача етиб борган. Олимларнинг ҳисобига қараганда савдо карвонлари кунига ўрта ҳисобда 25-30 километр йўлни босиб ўтишган.

ЮНЕСКО томонидан бир неча мамлакатлар иштирокида тузилган «Буюк ипак йўли» дастурининг амалга оширилиши тарих фани олдида турган бир неча муҳим муаммоларни олдимизга кўндаланг қилиб қўйди.

«Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», дейдилар. Ипак йўли сафарида Шарқ тарихи ва маданиятини биладиган мутахассислар билан бўлган мазмунли суҳбатларда жуда кўп ноёб тарихий обидаларнинг эгасиз, қаровсиз қолганлиги кўп марталаб қайд этилди. Шу муносабат билан покистонлик таниқли олим, экспедициянинг илмий раҳбари, профессор Аҳмад Ҳасан Донийнинг йирик халқаро ташкилотнинг вакили сифатида ажойиб обидалардан бири — буюк аждодимиз Хўжа Аҳмад Яссавий мақбараси олдида юритган мулоҳазаси айниқса диққатга сазовордир. Профессор Доний экскурсовод ҳикоясини диққат билан тинглаб, мазкур обидани қайта таъмирлаш ва муҳофаза қилиш учун ЮНЕСКО зарур ёрдам кўрсатишга қодир эканлигини изҳор этди.

Қирғизистон диёрида ачинарли манзарага дуч келинди. Қирғиз элининг гўзал Чуй водийсидаги Тўқмоқ шаҳридан 12 километр нарида жойлашган «Бўрон» қадимий обидаси — (асли X аср ўрталаридан XIII аср бошларигача ҳукмронлик қилган Қорахонийлар давлати пойтахти Боласоғин харобалари) катта худудни эгаллайди. Шарқий туркий халқларнинг машҳур маданий ва сиёсий маркази ҳисобланган бу ажойиб шаҳарни Чингизхон ўз одатига зид ҳолда хонавайрон қилишдан ўзини тийган ва унга ҳатто «губалик» деб янги ном берган экан. Бу сўзнинг асл маъноси яхши ёки чиройли шаҳар, демакдир.

Мазкур обиданинг нақадар ноёб эканлигини тасдиқлаш учун у ерда туғилиб ўсган ва таълим олган, ўрта осиёлик икки буюк мутафаккирнинг номини эслашнинг ўзи етарли, чунончи Қорахонийлар пойтахти ажойиб шоир ва улуғ мутафаккир Юсуф Боласоғин ва атоқли қомусчи, биринчи туркийшунос олим Маҳмуд Қошғарий билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Мазкур буюк сиймолар билан боғлиқ обидаларнинг харобалари шундай аҳволда эканлигига ажнабий ҳамкасбларимиз ҳам таассуф билдиришди. Менинг суҳбатдошим Истамбулдаги Мармара университетининг профессори Нажот Диёрбакрли кўҳна Туркистонни муқаддас замин деб эътироф этди. У ипак йўли обидаларини туркий халқларнинг умумий ёдгорликлари сифатида қадрлаш ва уларни кенг тадқиқ этиш учун барча кучларни бирлаштириш вақти келди, деган фикрни айтди. Унинг ватандоши, тарихчи, профессор Нодир Давлат ипак йўлининг ўтмишда мавжуд бўлган қатор карвонсаройларини ҳам ҳар томонлама ўрганишимиз лозимлигини алоҳида қайд этди.

Суҳбатимизга қўшилган афғонистонлик давлат арбоби Шер Муҳаммад Ҳовар ҳам айниқса яхши фикр билдирди. Ўрта Осиё халқларининг тарихи фақат Шарқий Европа тарихи билангина эмас, балки қўшни Афғонистон ва Эрон халқлари ўтмиши билан ҳам узвий боғлиқдир. Унинг ибораси билан айтганда, ўртаосиёликлар билан Афғонистон ва Эрон ҳалқларининг беш минг йиллик тарихи олимларимиз, ҳатто айрим даврларда ҳукмдорлар фаолияти, саиъ-тимиз ва адабиётимиз тарихи билан ҳам муштаракдир.

ОЛИМЛАР Элликқалъа ноҳияси яқинидаги қадимий Хоразм шоҳлари пойтахти Тупроққалъа ва афсонавий Қўйқирилган қалъа харобалари ёмон аҳволда эканлигини алоҳида қайд этишди. Мен бу ажойиб обидаларнинг дастлабки қазишмаларида бевосита иштирок этганман. Эсимда, эллигинчи йилларнинг ўрталарида ер сатҳидан 25 метр баландликка кўтарилган дабдабали сарой харобалари бошқа ёдгорликлар орасида алоҳида ажралиб турарди. Тупроққалъа қасрининг учбурчакли баланд тепалигидан теварак-атрофга назар ташласангиз, узоқ-яқиндаги қум уюмлари орасида қад кўтариб турган ҳашаматли обидаларнинг сеҳрли кўринишлари, қадимий суғориш иншоотларининг излари кишини ҳаяжонга солади. Мана, ярим асрдан буён бу ерда ўтказилаётган тадқиқотлар қадимги хоразмликларнинг ноёб санъати ва маданияти тўғрисида талай маълумотларни бермоқда. Аммо Тупроққалъа атрофини ўраб олган пахта далалари бундай ажойиб обиданинг емирилишига сабаб бўлмоқда, суғорилган ерларнинг шўри қалъанинг ички қисмида ҳам доғлар пайдо қилган. Бундай аянчли аҳвол Жанбасқалъа харобаларининг ҳам тўла емирилишига сабаб бўлмоқда.

Қирғизистонда бўлганимизда мени бир ҳодиса ниҳоятда ҳаяжонга солди. Экспедиция афсонавий гўзал Иссиққўл соҳилида уч кун макон тутиб, тарихий обидалар билан танишди. Бу ажойиб кўлнинг жанубий қисмида жойлашган дам олиш маркази Чўлпонотада ибтидоий даврдан шу пайтгача етиб келган ва Ўрта асрларнинг дастлабки пайтига оид тошга туширилган ноёб расмлар жуда кўп учрайди. Уларнинг қадимий намуналари эрамиздан аввалги IV—III асрларга тегишли бўлиб, қора ва жигар рангдаги қисмига икки-уч, баъзан, ўнгача шоҳли тоғ эчкиси, буғи, от, туя, қоплон, ҳўкиз каби ҳайвонот олами расмлари ўйиб ясалган. Айрим йирик тошларда ов қилиш саҳнаси, чавандозлар ҳам акс эттирилган. Шубҳасиз, мазкур рассомлик намуналари қадимий туркий қабилаларнинг диний тасаввурлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг турмуш тарзи, маънавий олами ва дунёқараши тўғрисида муҳим манбаъ ҳисобланади.

МЕНИ ҳаяжонлантирган нарса яна шу бўлдики, маҳаллий идоралар буйруғи билан расмли тошлар жойлашган жойда аэропорт қурилиб, у ердаги 1500 дан ортиқ тош нобуд қилинган. Ундан 400 га яқини омон қолган. Аэропорт атрофида қўзиқориндек пайдо бўлаётган дала ҳовлилари эса мавжуд омон қолган ноёб тош обидаларига янги хавф-хатар туғдирмоқда.

Аммо кўпчиликни хурсанд қилган бир нарсани алоҳида қайд қилмоқчиман. Қозоқ оғаларимизнинг ўз тарихига қизиқиши, ўтмиш обидаларини сақлашга ва айниқса музей ишларига зўр эътибор бераётганлиги мени мамнун этди. Тарихга чинакам меҳр қўйиш фазилатини Қозоғистон пойтахтида ва айрим ноҳияларда тарихий-этнографик музейлар тимсолида аниқ кўриш мумкин. Экспедиция ўтган йўлларда кутиб олишга тайёргарликнинг уюштирилиши ва уни ниҳоятда сермазмунлиги билан бадиий этнографик ансамбларнинг чиқишлари, очиқ дала музейларининг зўр дид билан ташкил қилиниши ҳам чиройли намуна бўла олади. Шауилдер қишлоқ марказида қад кўтарган археология-этнография музейи биноси ва экспонатлари, буюк этнограф олим Чўқон Валихоновнинг бой музейи чет эллик ҳамкасбларимизга ҳам манзур бўлди. Атоқли этнограф ва археолог, москвалик олим, профессор Б. В. Андрианов ғурурланиб «Мен Ўрта Осиё ва Қозоғистонда энг гўзал ва бой замонавий икки тарихий музейни биламан. — Бири Олмаота музейи ва иккинчиси — Жанубий Ўзбекистонда академик А. Асқаров яратган маҳаллий музей», дегани айниқса эсимда қолди.

Экспедициянинг икки ойлик сафари Қозоғистоннинг гўзал пойтахти Олмаотада халқаро семинар билан якунланди. ЮНЕСКОнинг 1987 йил Бош конференцияси — 24-сессияси қабул қилган қарорига биноан, «Буюк ипак йўли» комплекс ўрганиш халқаро программаси икки йирик муаммони асосий мақсад қилиб қўйди, деб ҳулоса қилса бўлади. Биринчи муаммо: «Инсонни ўраб олган муҳит, ер ва денгиз ресурслари» ва иккинчиси «Маданият ва келажак» деб номланди ва шу программа асосида ишлаб чиқилган тадбирлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ўтказилган маданият тараққиёти ўн йиллиги қароридан келиб чиқади. Шу асосда қатор халқаро семинарлар, илмий жамоатчилик билан учрашувлар ўтказиш ҳам мўлжалланган. «Буюк ипак йўли» экспедициясининг якуни ҳам мазкур қарорни амалга оширилиши йўлидаги муҳим қадам бўлиб, унинг номи: «Буюк ипак йўлида кўчманчи ва ўтроқ халқлар маданиятларининг ўзаро таъсири» деб аталган. Икки кун қизғин мунозаралар, янги фикр ва мулоҳазалар, муҳим илмий хулосалар ва дадил фаразлар билан ўтди. Олмаотадаги конференция Ипак йўлини ўрганишдаги ниҳоятда муҳим ва фойдали анжуман бўлди. Семинарда иштирок этган айрим тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳам сўзга чиқиб, экспедиция якунларидан тегишли амалий хулосалар чиқаришни ва ипак йўли бўйлаб янгича фикрлаш асосида савдо-сотиқни янги поғонага кўтаришни ўртага ташладилар.

Маънавий маданиятни қадрламаган, ўз ўтмишини билмаган халқ ижтимоий тараққиётдан чеккада қолиши табиий. Хўш, шундай экан, ЮНЕСКО бошлаб берган мазкур олийжаноб ишларни изчил давом қилдириш, ўтмишда яратилган нодир маданий обиданларни қунт билан ўрганиш ва қайта таъмирлашга қанча кўп эътибор берилса, ўлкамиз ривожига шунчалик зўр ҳисса қўшилган бўлади.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, ЮНЕСКОнинг «Буюк ипак йўли» халқаро экспедицияси аъзоси.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ

ССР Иттифоқи қонунининг 38-моддасига мувофиқ СССР меҳнат жамғармалари ва аҳолига қарз бериш банки (СССР Жамғармалар банки) аҳолининг пул жамғармаларини жалб этиш ва уларни жойлаштиришга доир муомалаларни амалга оширувчи ихтисослашган тижорат банки ҳисобланади.

СССР Жамғармалар банкида, аҳоли жамғармаларининг бут сақланишига ва ўз вақтида қайтарилишига СССР Давлат банки кафолат беради. СССР Жамғармалар банки томонидан жалб этилган пул маблағларидан давлат пул-қарз бериш ягона тузумининг бош йўналишига мувофиқ аҳолига қарз бериш учун ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

СССР Жамғармалар банки Президентнинг «Фуқароларнинг ўз жамғармаларини СССР Жамғармалар банки муассасаларида сақлашдан манфаатдорлигини ошириш тўғрисида»ги фармони билан Давлат банки мақомига эга ва фуқаролар омонатлари бўйича давлат кафолатини беради. Бу Жамғармалар банкида 400 миллиарддан зиёд жамғармаларни сақлаётган 200 миллиондан зиёд омонатчилар манфаатига жавоб беради.

Мазкур ҳукумат ҳужжатларида Жамғармалар банкининг бошқа тижорат банкларидан асосий устунлиги — унинг юксак даражада ишончлилиги муҳрланган. Чиндан ҳам, бошқа тижорат банкларининг мажбуриятлари бўйича давлат уларнинг омонатчиларига жавоб бермайди.

СССР Жамғармалар банки ўзининг 70 йиллик тарихи мобайнида меҳнаткашлар моддий манфаатларининг ҳимоячиси, жамғармаларингизнинг ишончли посбони ва унинг кўпайтирувчиси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Давом этаётган пулнинг қадрсизланиши даврида фақат Жамғармалар банкигина ўз омонатчиларининг энг кам миқдорда зарар кўришига кафолат бериши мумкин. Омонатлар ва заёмларнинг барча турлари бўйича 40 фоизли тўловларнинг белгиланиши бунинг ёрқин далилидир. Бошқа бирорта ҳам банк бундай қадам қўйишга қодир эмас.

Бугунги кунда СССР Жамғармалар банки улкан давлатимизнинг бутун ҳудудида ўз бўлимлари ва филиаллари тармоғига эга. Қутб ортида ҳам, Қорақум саҳросида ҳам — ҳамма ерда Жамғармалар банки сизни ўзига хос ишчанлик ва эътибор билан қарши олади. Бизнинг банкимиз ўз мижозларига 80 хилдан зиёд хизматларни кўрсатади. Сўраб олингунча сақланадиган омонат; шошилинч омонатларнинг барча турлари; Жамғармалар банки орқали маош тарқатиш; коммунал хизматлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш; сертификатлар; чек дафтарчалари; 1982 йилги Давлат заёми; ҳисоб-китоб чеклари; хазина мажбуриятлари; пул-буюм лотереялари; ютуқли омонатлар шулар жумласидандир. Ана шу хизматлар миллионлаб совет кишилари ўртасида кенг шуҳрат қозонган. Жамғармалар банки ҳаётимиздан шу қадар мустаҳкам ўрин олганки, бугунги кунда биз ана шу банк хизматларисиз ўзимизни тасаввур эта олмаймиз. Ҳисоб-китобларга қараганда жумҳуриятимизда ҳар куни чорак миллионга яқин киши Жамғармалар банкининг 1804 муассасаси хизматидан фойдаланар экан.

Илғор хорижий тажрибаларга таяниб, ўз иш услубини мунтазам такомиллаштира бориб, Жамғармалар банки шахсий бюджетини тўғри йўлга қўйиш, даромадлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва вақтни тежаш истагида бўлган барча фуқароларга ёрдам бермоқда.

ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлигининг «Ўзстройтранс» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси 2-автотранспорт корхонаси раҳбари В. Э. Бобохоновга ўғли

АКРОМнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси фирқа ва жамоатчилик ташкилотлари Давлат инспекцияси бошлиғи З. К. Юсуповга отаси

Карим ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Адабиёт илмгоҳи жамоаси катта илмий ходим Р. Иброҳимовага акаси

Шариф Обидович ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек давлат Академик драма театри жамоаси СССР Кинематографчилар уюшмасининг аъзоси, кинорежиссёр Л. О. Файзиевга укаси

Шариф Обидович ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Спорт

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ЕЗГИ Х СПАРТАКИАДАСИДА

ТЎРТИНЧИ БЎЛИШДИ

Ўзбекистон ДОСААФчилари Ульяновск шаҳридаги мусобақаларда фахрли тўртинчи ўринни олишди. Россия, Украина ва Москва спортчилари Спартакиаданинг олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлдилар.

Жамоалар етти кишидан бўлиб ўзаро беллашдилар. Жумҳуриятимиз вакиллари сузиш ва милтиқдан ўқ узиш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этишди. Улар бу беллашувларда учинчи ўринга чиқишди. Шахсий биринчиликда тошкентлик СССР спорт усталигига номзод Сергей Закрайний еттинчи ўринни олди.

64 КАТАК УЗРА

Шахмат мусобақаси ҳар қачонгидек қизғин курашларга бой бўлиб, кутилмаган натижалар билан тугади. Эркаклар командалари орасида украиналиклар биринчи бўлишди. Улар 30 имкониятдан 20 очко тўплашди.

Арманистон ва Ўзбекистон шахматчилари 16 тадан очко жамғаришди, Энг яхши қўшимча кўрсаткичларга биноан арман шахматчиларига иккинчи ўрин берилди.

Ўзбекистон шахматчилари бронза медаллари билан мукофотланганлиги уларнинг катта ютуғидир. Медал олган шахматчиларимиз билан танишинг: гроссмейстер В. Логинов, халқаро усталар — Г. Серпер, С. Загребельний, М. Салтаев, спорт усталари А. Ненашев ва Д. Қаюмов.

Хотин-қизлар командалари ўртасидаги баҳсда ҳам олтин медаллар украиналикларга насиб этди.

ФУТБОЛ

МАСЪУЛИЯТЛИ УЧРАШУВЛАР

«Арарат» — МАСК футбол жамоаларининг учрашуви билан олий лигада 20-тур ўйинлари бошланди. Мусобақа карвонбошиси Москва армиячилари учрашув тугашига олти минут қолганида мезбонлар дарвозасига тўп киритиб ғалабага эришдилар. Кеча «Днепр» ва «Черноморец» футболчилари майдонга тушишди.

Бугун эса тўрт учрашув бўлади. Шуниси қизиқки, бу турда медалларга даъвогар— «Спартак» ва «Шахтёр» Москвада беллашса, Минскда маҳаллий «Динамо» билан Москванинг «Торпедо» футболчилари куч синашадилар. Олий лигада қолиш учун курашаётган «Металлург» ва «Спартак» (Владикавказ) жамоалари Запорожьеда учрашади.

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси мавсумнинг масъулиятли ўйинларидан бирини ўтказади. Пахтакорчилар Киевда маҳаллий динамочилар билан куч синашадилар. Эслатиб ўтамиз: биринчи даврадаги учрашувда тошкентликлар 2:0 ҳисобида рақибларини енгишган эди.

Биринчи лига вакиллари оралиқ маррадан ўтишди. Илк бор бу лигада мусобақалашаётган Фарғонанинг «Нефтяник» ва Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари ишқибозлар ишончини оқлашди, дейиш мумкин. Улар сўнгги турда ғалабага эришдилар. Фарғоналиклар «Буковина» футболчиларини 3:0, наманганликлар эса «Зимбрул»ни 3:1 ҳисобида енгиб, икки очколи бўлишди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-44 51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5691.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 23.00
№ 140.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12